

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 657.5:658(575.11)

Шарипов Ўрал Жовли ўғли

БАНКЛАРДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мутахассислик: 5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва
соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д. доц. доц. Махсудов Б. Ю.

Тошкент- 2021

Мазкур магистрлик диссертация ишида бозор иктисодиёти шароити банкларда кредит операциялари ҳисобини назарий асослари тадқиқ қилинган. АТ "Халқ банки" Тошкент шаҳар Бектемир филиалида кредит операциялари ҳисобини ташкил этилиши хусусиятлари ўрганилган ҳамда кредит операцияларини ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this master's thesis, the theoretical bases of credit operations accounts in banks were studied in the conditions of market economy, the features of the organization of credit operations accounts in the Tashkent branch of "people Bank" were studied, as well as scientific proposals and practical recommendations on improving the accounting and analysis of credit operations were developed.

Магистрлик диссертация иши "Бухгалтерия ҳисоби" кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган:


« 42 » - сонли баённома « 22 » июнь 2021 йил.

Илмий раҳбар: доц. Б.Ю.Махсудов


ИМЗО


28.06.21
сана

Магистр: Ў.Ж.Шарипов


ИМЗО

28.06.21
сана

"Ҳимояга тавсия этилади"
"Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси
мудир, доц. Абдусаломова Н.Б.


« 28 » июнь 2021 йил

Ҳимоя 2021 йил « » июнь соат 14-00 да Тошкент давлат иктисодиёт университетида бўлиб ўтади.

Мундарижа

Кириш.....	4
1-боб. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кредитлар ҳисоби ва таҳлилининг назарий асослари.....	8
1.1. Кредит тизими, унинг таркибий қисмлари ва асосий тамойиллари.....	8
1.2. Ўзбекистон Республикасида кредит тизими ривожланишини асосий босқичлари	18
1.3. Кредитнинг иқтисодий моҳияти, кредитлаш жараёнларини тартибга солишнинг иқтисодий асослари ҳамда зарурлиги.....	22
1-боб бўйича хулоса.....	30
2-боб. АТ «Халқ банки» Тошкент шаҳар Бектемир филиалида кредитлар ҳисобини ташкил қилиниши.....	32
2.1. АТ «Халқ банки» Тошкент шаҳар Бектемир филиалида кредитларнинг дастлабки ҳисобини ташкил қилиш.....	32
2.2. АТ «Халқ банки» Тошкент шаҳар Бектемир филиалида кредитларнинг синтетик ҳисоби.....	37
2.3. АТ «Халқ банки» Тошкент шаҳар Бектемир филиалида кредитлар бўйича фоизларни ҳисобга олиш тартиби.....	41
2-боб бўйича хулоса.....	44
3-боб. АТ “Халқ банки” Тошкент шаҳар Бектемир филиалида муаммоли ва синдициялаштирилган кредитлар ҳисобини ташкил қилиш ҳамда такомиллаштириш масалалари.....	46
3.1. АТ “Халқ банки” Тошкент шаҳар Бектемир филиалида муаммоли кредитлар ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш масалалари.....	46
3.2. АТ “Халқ банки” Тошкент шаҳар Бектемир филиалида муаммоли кредитлар юзасидан эҳтимолий йўқотишларга доир заҳираларни шакллантириш ва ҳисобга олиш тартиби.....	56
3.3. АТ “Халқ банки” Тошкент шаҳар Бектемир филиалида синдициялаштирилган кредитлар ҳисобини такомиллаштириш масалалари.....	61
3-боб бўйича хулоса.....	71
Хулоса.....	73
Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.....	79

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилona иқтисодий ислохотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида барқарор ривожланиш тенденциялари кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истикболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш, суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, етакчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш кўзда тутилган¹.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг самарадорлигини ошириш банкларни иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашдаги фаол иштироки

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.